

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2020

www.psixologiyabuxdu.uz





PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

4-son 2020-yil. * Выпуск 4. 2020 год.

**BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
BAROTOV SH. R.**

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии

Психологических Наук

**TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ
КОЛЛЕГИЯ:**

XAMIDOVO X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor
SHOUMAROV G`B.

(Bosh muharrir o`rinbosari)
psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o`rinbosari)
psixologiya fanlari doktori, professor
KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor
MALI`X S.B.(Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor
KORIBEYNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor
SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor
G`OZIYEV E.G`.

psixologiya fanlari doktori, professor
BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor
QODIROV B.R.

psixologiya fanlari doktori, professor
JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

NISHONOVA Z.T.

psixologiya fanlari doktori, professor

IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor

ABDURAXMANOV F.R.

Falsafafanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

psixologiya fanlari doktori, professor

QAHHOROV O.S. BuxDU ilmiy ishlar

va innovatsiyalar bo`yicha prorektori.

Iqtisodiyot fanlari bo`yicha falsafa

doktori (PhD).

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N.–psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M.– psixol.fan.nom., dot.

Barotova D.Sh.–psixol.fan.nom., dot.

Raxmatova M.M.– filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dot.

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,

Rustamov Sh.Sh.

MAS'UL KOTIB – ОТВ.

СЕКРЕТАРЬ

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari

bo`yicha falsafa doktori (PhD).



Мундарижа/Содержание/Contents

3	Шоумаров Г.Б., Кадыров У.Д.
	Психологические аспекты защиты молодёжи от влияния деструктивных идей Psychological aspects of protecting young people from the influence of destructive ideas
10	Козлов В.В., Огнева И.В.
	Кризисологическая феноменология пандемии Crisis phenomenology of the pandemic
17	Сатторов Э.Н.
	Компетенциявий ёндашувнинг юзага келиши: вазият, талаблар, ўзига хослиги The occurrence of a competency approach: situation, requirements, specificity
25	Мелибаева Р.Н., Абдиназарова И.С.
	Тиббий психодиагностика: муаммо, мулоҳаза ва ечимлар Medical psychodiagnostics: problem, reasoning and solutions
30	Халбаева Г.А.
	Проблемы подготовки детей к школьному образованию в современной психологии Problems of preparing children for school education in modern psychology
38	Атабекова К.Г.
	Оптимизация «предстартового состояние» спортсменов-каратистов с применением психокоррекционной помощи Optimization of the "pre-start state" of karate athletes with the use of psychocorrective assistance
44	Жумаев У.С.
	Глобаллашув шароитида оммавий маданиятнинг жамият ҳаётига таъсирини ижтимоий психологик тадқиқи Social psychological research on the impact of mass culture on the life of society in the context of globalization
53	Мехлиев М.Х.
	Курсантларни ёш жангчи курсида мослашуви ва психологик кузатиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари Adaptation of cadets in a young warrior course and peculiarities of psychological observation
58	Содиқова Г.О.
	Қарор қабул қилиш муаммосининг психологик тадқиқотларда қўлланилиши The application of decision making problem in psychological research
61	Акбаров С.У.
	Shaxs ijtimoiylashuv jarayonlarining psixologik tavsifi Psychological description of individual socialization processes
65	Сафаров Д.Х.
	“Сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларига таъсир этувчи омиллар Factors affecting the interaction of the "seller-buyer " diad
70	Бахромов О.Т., Абдурасулов Р.
	Ёш футболчиларни ютуққа эришишда мотивациянинг аҳамияти The importance of motivation in the achievement of young players
74	Обидова Г.К.
	Инглиз тилини ўқитиш жараёнида экологик таълимнинг педагогик психологик имкониятлари Pedagogical psychological opportunities of environmental education in the process of teaching English
81	Султонов У.Б.
	Ҳарбий фаолиятда касбий мотивлар намоён бўлишининг психологик ўзига хосликлари Psychological peculiarities of the manifestation of professional motives in military activity
85	Тўрақулов Б.Н.
	Талабалар эмоционал интеллектини тадқиқ этишнинг психологик имкониятлари Psychological opportunities for students to study emotional intelligence
89	Хакбердиев Н.С.
	Кадрлар сиёсий маданият барқарорлигини таъминлаш зарурияти The need for ensuring the stability of political culture of personnel
93	Шерматов Ф.Т.
	Касбий зўриқишларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар Socio-psychological factors leading to occupational stress
97	Рузиева Д.Н.
	О влиянии социально-психологических факторов на качество деятельности преподавателей вуза



	On the influence of socio-psychological factors on the quality of University teachers' activities
101	Қаршибоева Г.А.
	Ўсмирларда суицидал хулкни пайдо бўлишида ижтимоий функциялар бузилишининг психологик ҳолатлари
	Psychological states of the violation of social functions in the emergence of suicidal behavior in adolescents
105	Худойбердиев И.Э., Қодиров С.С.
	Шахснинг йўналганлиги ва жамоавий психологик муҳит
	Orientation of the individual and the collective psychological environment
110	Раджабова Ф.Р.
	Корхона ва ташкилотларда лидерлик компетенциясини ривожлантириш механизмлари
	Development of leadership competence in enterprises and organizations
115	Ражабова Ф.П.
	Вояга етмаганларнинг индивидуал–психологик хусусиятларни акс эттирувчи омиллар психодиагностикаси
	Psychodiagnostics of factors reflecting individual–psychological characteristics of minors
121	Музафарова Ф.Б.
	Ҳамкорликдаги таълим жараёнининг психологик йўналишлари
	Psychological aspects of the collaborative learning process
126	Сирлиев Б. Н.
	Ички ишлар органлари ходимларини касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда психологик хизмат ва унинг тугган ўрни
	Psychological service and its role in improving professional training of employees of internal affairs bodies
130	Абдуқаҳҳорова Г.А.
	Ўсмирларда девиант хулқ-атвор муаммосини ўрганишнинг психологик масалалари
	Psychological issues of studying the problem of deviant behavior in adolescents
ИЛМИЙ МУШОҲАДА	
135	Наударов У.Н.
	Psixologiya va tarixiy хотира
	Psychology and historical memory
137	Облоқулов А.Р., Тиллоева Ш.Ш., Ачилова Д. Н., Элмуродова А.А.
	Пандемия шароитида тиббиёт ходимлари орасида юзага келган руҳий муаммоларни ўрганиш
	Investigation of the mental problems encountered among medical personnel in pandemic conditions
МЕТОДИКА / METHOD	
143	Ostanov Sh.Sh.
	“Ijodiy qobiliyatlarni baholash so‘rovnomasi” (E.E.Tunik)
ХОТИРА	
144	Убайдуллаев А.
145	Абдурахмонов Ф.Р.

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291



9 772181 529113

11



Мелибаева Рузахон Насировна,
Тошкент тиббиёт академияси, Педагогика ва психология
кафедраси мудири, психология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Абдиназарова Илтифот Содиқжон-қизи,
Тошкент шаҳар онкология диспансери, Врач-онкогинеколог



ТИББИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКА: МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: Ушбу мақола тиббий психодиагностиканинг маҳаллий муҳитга жорий этиш муаммоларига бағишланган. Муаллиф тиббий психодиагностиканинг тарихи, унинг методологик ва методик масалалари ҳақида таҳлилий мулоҳаза юритган. Тиббий психодиагностикани татбиқ этишининг методик жиҳатлари бўйича тавсиялар тақдим қилган.

Калим сўзлар: тиббиёт, психодиагностика, тиббий психодиагностика, методика, методология, бемор, шахс, хусусият.

Аннотация: Статья посвящена проблемам внедрения медицинской психодиагностики в локальную среду. Автор анализирует историю медицинской психодиагностики, ее методологические и методические вопросы. Даны рекомендации по методическим аспектам применения медицинской психодиагностики.

Ключевые слова: медицина, психодиагностика, медицинская психодиагностика, методология, методика, пациент, личность, особенность

Annotation: The article is devoted to the problems of introducing medical psychodiagnostics into the local environment. The author analyzes the history of medical psychodiagnostics, its methodological issues. Recommendations on the methodological aspects of the use of medical psychodiagnostics are given.

Keywords: medicine, psychodiagnostics, medical psychodiagnostics, methodology, technique, patient, personality, feature

Мавзунинг долзарблиги. Психология ўзининг ривожланиш тарихида қатор фанлар билан узвий алоқадорликда кечганлиги аниқ илмий манбаларда ўз ифодасини топган. Бу ҳолат психология билан тиббиёт соҳалари ўртасидаги узвий боғлиқликни четлаб ўтмаган. Жаҳон психологиясининг қатор вакиллари ҳам психологияда юксак илмий ғояларни илгари суришларида табиий ва тиббиёт соҳаларида изланишлари билан инсон руҳиятининг ўзига хос қонуниятларини ўзаро сингдиришга бўлган ҳаракатлари кўплаб кузатилади. Жумладан, Ф.Гальтон, З.Фрейд, К.Г.Юнг, А.Адлер, К.Хорни, Э.Кречмер, Р.Ассаджиоли, Р.Мэй, В.Франкл ва бошқаларнинг илмий-ижодий фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда психология фанининг ривожланиши ҳам ўз навбатида жаҳон психологияси эришган ютуқларнинг ажралмас қисми сифатида ҳамда унинг анъаналарига ҳамоҳанг тарзда ривожланишини тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳам психология фанининг ҳар бир соҳасидаги ўзгаришларнинг ўзбек психологиясида ҳам учратиш ва уларнинг ўзаро бирлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган изланишларнинг ўзига хослигини умумий психология (М.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, В.А.Токарева ва бошқ.), ёш ва педагогик психология (М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Р.Гайнутдинов, А.М.Жабборов, Р.И.Суннатов ва бошқ.), ижтимоий психология (Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Ш.Р.Баротов, Н.С.Сафоев, З.Нишонова, Б.М.Умаров ва бошқ.) йўналишларидаги изланишлари билан боғлашга тўғри келади. Муаммо бу тарздаги муносабатнинг келтиришининг ўзига хослигини мамлакатимизда психология фани соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш масаласидаги ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Бугунги кунда ЎзМУ, ТДПУ, ЎзХИА, СамДУ, БухДУ, ФарДУ, ҚаршиДУ, Нукус ДУ, ТерДУ, УрДУ, АДУ, ТТАда ва бошқа олий таълим муассасаларда 5210200-Психология (умумий психология), 5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси), 5210200-Психология (дин социопсихологияси), 5210200-Психология (спорт) таълим йўналишлари бўйича бакалавр, 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича), 5А210201-Психология (социал психология), 5А210201-Психология (оилавий муносабатлар психологияси), 5А210201-



Психология (дин психологияси), 5A510116-Тиббий психология бўйича магистратура мутахассислари тайёрланаётганлигини эътироф этиш мумкин. Маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистонда психология соҳасининг ривожланишига эътибор юқори бўлаётир.

Тадқиқот муаммосининг методологияси. Муаммонинг тадқиқот муҳокамасига кўйишнинг ўзига хос бир жиҳати психология, хусусан, психодиагностика билан тиббиёт соҳаси орасидаги муносабат масалаларига аниқлик киритиш учун юқорида келтирилган маълумотларни асос сифатида келтиришга тўғри келмоқда. Биринчи жиҳати психология фанининг ривожланишига эътиборнинг кучаётганлиги бўлса, иккинчи жиҳати ўзбек психологиясини жаҳон психологияси муаммолари билан уйғунлаштиришдан иборат. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда республикамизда психология фани билан тиббиёт соҳасининг уйғунлигини таъминлашга йўналтириш муҳим бўлмоқда. Агар жаҳондаги етакчи олий таълим муассасаларига эътибор қаратилса, уларда клиник психология бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни фаол амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўламиз (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Жанубий Урал давлат университети, Southern Illinois University Edwardsville (АҚШ), The University of Western Australia (UWA) (Австралия), University of Auckland (Янги Зеландия), Manchester Metropolitan University (Буюк Британия) ва бошқа). Жаҳон психологияси тажрибаларига ҳамоҳанг тарзда инсон психологияси билан организм ўртасидаги боғлиқлик касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг муҳим шарти эканлиги ғоясига таянган ҳолда амалга ошириш масаласи майдонга чиқмоқда. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда психология ва тиббиётнинг муносабатини психодиагностика ўлчаш ишлари билан боғлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Бу эса фанда тиббий психодиагностика муаммолари ҳисобланади.

Психология фанида олиб борилган изланишларда психикани биологик, ижтимоий ва психологик кўринишлари бирлигида яхлит ўрганиш ғоялари, хусусан, Санкт-Петербург экспериментал ва патологик психология мактабининг ривожланиш даврида узоқ вақтлардан буён изланишлар амалга оширилмоқда (Бекхтерев В.М., 1907, 1923; Бернштейн А.Н. 1911; Лазурский А.Ф., 1908, 1923; Франк С.Л., 1912; Басов М.Я., 1920). Мазкур ғоянинг методологик моҳиятини фақат психологияда тизимли ёндашув ривожланиши билан тўлиқ англаш мумкинлиги таъкидланади. Шу сабабли, ҳозирги пайтда психология муаммоларини тизимли кўриб чиқишнинг аниқ услубий ва илмий асосланган методологиясидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу умуман психология фанига ҳам, унинг алоҳида соҳаларига ҳам тегишли. Хусусан, тиббий психологиянинг тобора мураккаблашиб бораётган табиати билан боғлиқ ҳолда, психологик диагностика каби тиббий психологларнинг касбий фаолиятининг бундай соҳасини йўлга қўйишда фаннинг илғор ғоялари ва усулларидан фойдаланиш долзарб бўлиб қолади.

Тадқиқот муаммосининг таҳлили. Ўзбекистонда тиббий психодиагностика соҳасида психологик методикаларнинг татбиқ қилиш хусусиятлари масаласи энг долзарб муаммолардан бири дейиш мумкин. Мазкур йўналишда тиббиёт билан психологиянинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда иккита масаланинг ечимини топиш зарурати бор:

Биринчиси, тиббий психодиагностика бўйича психологиядаги методикаларнинг қўллашга хизмат қилувчи назарий-методологик асосларни тизимлаштириш.

Иккинчиси, психодиагностика амалиётида қўлланилаётган методикаларнинг тиббий психодиагностика амалиётида беморларнинг психологик жиҳатларини инобатга олиб, жорий этиш мажмуасини шакллантиришдан иборат. Мазкур масалаларнинг ечимини топиш борасидаги маълум аналитик –таҳлилий тадқиқотнинг айрим жиҳатлари ҳақида қуйида тўхталамиз.

Илмий манбаларда келтирилишича, Ғарбий Европа ва Америкада клиник психодиагностика ривожланишининг асосий босқичлари 19-аср ўрталарида бошланиб, ҳозирги кунда замонавий талабларга мос тузилма ҳосил қилган Масалан, интеллектнинг тест ёрдамида диагностикаси пайдо бўлиши, шахсни ўрганишга биринчи назарий ва услубий ёндашувларнинг пайдо бўлиш босқичи ҳисобланса-да, психодиагностикада проектив ёндашув методологияси алоҳида ўринга эга. Замонавий психодиагностика усулларининг пайдо бўлиши учун ижтимоий ва илмий заруриятлар таҳлил қилинди. Биринчиси қаторида, хусусан, Биринчи ва Иккинчи Жаҳон уруши пайтида психологик тестларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ўсиши, XX асрнинг иккинчи ярмида кенг гуманистик ғояларнинг жамиятда тарқалиши, янги



психологик йўналишлари - бихевиоризм, психоанализ, гештальт психологияси, урушдан кейинги йилларда - шахсга йўналтирилган психотерапия назарияси ва амалиёти клиник психологик тадқиқотларнинг ривожланишига хизмат қилган (А.Анастаси, С.Урбина 2001; Л.Ф.Бурлачук 2002; В.С.Аванесов, 2004 ва бошқалар).

Ҳаёт тарзининг жадал кечиши сўнгги йилларда тиббий ва психодиагностика воситаларини ривожлантиришнинг етакчи йўналишларидан бири сифатида ўта кучли стресс омиллари ва ўта инкирозли вазиятларга таъсир қилишнинг психологик оқибатларининг аниқлаш ва баҳолаш бўйича ихтисослаштирилган методикаларни яратиш алоҳида таъкидланмоқда.

Бир қатор олимларнинг илмий изланишлари хулосасига кўра ҳозирги вақтда психологик диагностика тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайдиган психологларнинг касбий фаолиятининг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Шунингдек, тиббий психодиагностиканинг вазифалари нейропсихик ва психосоматик касалликларга чалинган беморларни даволаш ва тиклаш вазифалари билан, касалликларнинг олдини олиш вазифалари билан бир қаторда беморларга психологик маслаҳат бериш, психологик коррекция, психотерапия ва ижтимоий реабилитация вазифалари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги илмий хулосаланган (Л.И.Вассерман, О.Ю.Щелкова, 2003; 2003; В.М.Блейхер; М. Antony, D Barlow, 2004; G. Groth-Martnat, 2005; M.Roberts, S.Pardi, 1995).

Ҳар қандай мақсадли касбий фаолият сингари тиббиётдаги психологик диагностика ҳам диагностика жараёнининг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқлигида намоён бўладиган яхлит ва интеграл характерга эга. Айнан тиббий психодиагностиканинг табиати шахсни ҳар хил ҳаётгий вазиятларда ва ишлаш шароитида унинг индивидуал руҳий кўринишларининг ҳар хиллигида батафсил ўрганишни амалга оширишга имкон беришини ўрганилган (Л.И., Вассерман, 1997; О.Ю.Щелкова, 2003). Бундан келиб чиқадики, инсон психикасини тизимли ва ўзаро алоқадорликда текширишга қаратилган тиббий психодиагностиканинг ўзи инсоннинг энг мураккаб фаолияти бўлиб, уни етарли даражада тавсифлаш ва чуқур таҳлил қилиш ўзининг тамойиллари асосида амалга оширилади.

Тиббий психодиагностиканинг ўлчаш воситаларини кўриб чиқишнинг долзарблиги ушбу илмий ва амалий соҳада муҳим эмпирик материаллар тўпланиб, тадқиқотлар тобора кенгайиб бораётганлиги билан характерланади. Ушбу соҳадаги билимларни тизимлаштириш, тиббиётдаги психодиагностик фаолиятнинг умумий назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бундан ташқари, XX асрнинг 50-70-йилларида Б.В.Зейгарникнинг патопсихологик мактаби [13], А.Р.Луриянинг нейропсихологик мактаби [18] ва В.Н.Мясищевнинг тиббий психология мактабида ишлаб чиқарилган клиника тадқиқотлар учун мўлжалланган анъанавий психологик тадқиқотлар методологияси сўнгги йилларда сезиларли равишда хорижий ёндашувлар билан тўлдирилди. Шунинг учун тиббий психодиагностиканинг назарий ва услубий яхлитлигини сақлаб қолиш учун унинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб бориш, илм-фаннинг замонавий ривожланиш даражаси, шу жумладан янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий услубий ёндашувлари ва тамойилларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса албатта тиббиётда психодиагностика усулларини татбиқ қилишда аниқ методологияга таяниш лозим бўлади.

Шунинг учун тиббий психодиагностикада методикаларни жорий этишини етарлича ва тўлалигини таъминланишининг йўлга қўйишда қуйидаги ҳолатлар ўринли бўлади:

1. Замонавий илм-фан ва амалиётнинг энг муҳим услубий принципларига таяниш.
2. Саломатлик билан касалликларда инсон психикасини ўрганишга яхлит ёндашувнинг мавжуд анъаналарига таяниш.
3. Муаммонинг тадқиқ этишда психологияни мураккаб (Б.Г. Ананиев) ва тизимли (Б.Ф. Ломов) ёндашувлар тамойиллари, психикани ўзаро боғлиқ функциялари, жараёнлари, ҳолатларининг мураккаб тизими сифатида тушуниш (В.Д.Балин [3], Л.М. Веккер [8], А.В. Карпов [15], В. С. Мерлин [19], шахс - муносабатлар тизими сифатида (В. Н. Мясищев)даги ғояларини методологик асос сифатида қабул қилиш
5. Психодиагностик фаолиятнинг назарий ва услубий асослари, психологик ташхис қўйиш илми ва амалиёти сифатида психологик диагностика ҳақидаги замонавий ғояларга (А.



Анастаси [2], С. Н. Костромина [16], В. В. Столин [22], А. Г. Шмелев [30, 31, 32] ва бошқа асосланиш.

6. Психодиагностика методикаларининг беморларнинг касаллик хусусиятларига мос танлаш ва татбиқ қилиш тизимини шакллантириш.

7. Психолог-психодиагност билан тиббиёт ходимининг методикалардан фойдаланиш кўникмалари бўйича мутахассисларнинг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш.

8. Тиббий психодиагностикани жорий қилишда мутахассис фаолиятини тартибга солувчи касбий-этикавий тамойилларини талаблар даражасида татбиқ қилиш.

Юқорида келтирилган асослардан кўринадики, тиббий психодиагностикани ўрганишнинг назарий ва услубий асослари мураккаб динамик объектларни ўрганишда илмий билимларни бирлаштириш ва дифференциялаш бирлиги принциплари, соғлиқни сақлаш ва касалликдаги инсон психикасини ўрганишга бағишланган ёндашувлар билан белгиланади.

Ўзбекистон шароитида тиббий психодиагностикани жорий этиш учун ҳам методологик асос сифатида хизмат қилувчи ёндашувлар ҳамда психодиагностика методикалар базаси учун эҳтиёж мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда тиббий психодиагностикани жорий этишнинг методикалар базаси "Қандай тартибланиши ва қандай боғлиқликка эга бўлиши лозим?" деган савол туғилади. Бунинг учун кўтарилаётган масаланинг ечимини топишга хизмат қилувчи аниқ фаолият йўналишлари белгилаш керак. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни келтириб ўтамиз.

Тиббий психодиагностикада методикаларнинг қўллаш хусусиятларини текшириш вазифасига мувофиқ руҳий ва соматик касалликларга чалинган беморларнинг турли хил контингентларини, шунингдек, соғлом одамларни эмпирик тадқиқотлар ўтказишда клиник ва экспериментал психологик усулларнинг комплексидан фойдаланишга тўғри келади. Бу эса методикалар мажмуини тиббий психодиагностиканинг тадқиқот предмети ва йўналишлари тузилишига мос келадиган куйидаги бандларни ўз ичига олади.

1. Ўзбекистон шароитида тиббий психологик хизматни жорий этилганлиги, психологик хизмат шароитида тиббий психологик диагностика бўйича мутахассисларнинг методикаларни татбиқ қилиш ва таҳлил қилиш бўйича фаолиятини эксперт баҳолаш тизимига таяниш. Бунинг учун муаммонинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда эксперт баҳолаш картасини шакллантириш лозим бўлади.

2. Когнитив фаолиятни ўрганишда психодиагностика амалиётида қатор методикалар мавжуд. Мавжуд методикаларнинг тиббий психодиагностика мақсадлари билан уйғунлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун "Нейропсихологик диагностика техникаси", "Визуал ретенция тести", "Корректур синови тести", "Рақамларни топиш (Шульте жадваллари)", Крепелен жадвали, "Ўнта сўз" (А.Лурия), "Пиктограммалар", "Ортиқча предметни учиринг", "Оддий аналогия", "Аналогия" ва бошқа методикалар татбиқини таъминлаш.

3. Шахснинг психик ҳолатни ўрганишда "Депрессияни баҳолаш шкаласи", "Депрессив ҳолатларнинг анкетаси", "А.Бекнинг депрессивликни баҳолаш сўровномаси", "Вактнинг семантик дифференциали", "Невротиклик даражаси", "Психопатологик симптомларнинг ифодаланганлик даражасини аниқлаш сўровномаси" ва бошқа методикалардан фойдаланиш.

4. Шахсиятнинг эмоционал-мотивацион соҳаси ва иродалилик сифатларини ўрганишда "Субъектив назорат даражаси" тести, "Ўз-ўзини англаш учун кўп факторли сўровнома", "Рухий сўлиш", экспрес-психодиагностика техникаси комплекси: "Ўзини ва атроф-муҳитни назорат қилиш онги", "Келажакка ҳиссий муносабат" тести, "Фрустрацияни ўрганиш" тести ва бошқаларни қўллашни йўлга қўйиш.

5. Беморнинг шахс тузилишини ўрганишда "Шахсиятни тадқиқ қилишнинг стандартлаштирилган усули", "Шахс дифференциал" тести, "Шахснинг акцентуациясини аниқлаш сўровномаси", "Шахснинг нейротик хусусиятлари", "Катта бешлик" сўровномалари ва бошқаларни клиник амалиётда психодиагностика мақсадари учун жорий этиш.

6. Бемор шахснинг психологик ҳимоя тизимини ишлашини ва унинг мослашув механизмларини ўрганиш усуллари учун "Хаёт тарзининг кўрсаткичи", "Психологик ҳимоя механизмлари динамикаси", "Муаммони ҳал қилишни режалаштириш", "Стресс билан курашиш стратегиясининг кўрсаткичи" ва бошқа методикаларнинг амалий ҳолатини синовдан ўтказиш.



7. Беморларнинг шахслараро муносабат тизимини ўрганиш усуллари тизимини шакллантиришда "Реабилитация картаси", "Тугалланмаган жумлалар", "Ижтимоий фрустрация даражаси", "Q-саралаш", "Турли касалликларга муносабат типлари", "Ҳаёт сифати бўйича сўровнома" ва бошқа методикаларини татбиқини ташкиллаштириш.

Хулосалар. Мамлакатимизда тиббий психодиагностикани йўлга қўйиш бўйича кўтарилаётган илмий муаммо ва унинг ечимларига бағтшланган тахлилий-тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиши мумкин:

1. Тиббий психодиагностикани маҳаллий шароитга мос тизимини шакллантириш ўз аҳамиятига эга ва бу соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказидаги масала ҳамда фаолият йўналиши ҳисобланади.

2. Тиббий психодиагностикада психологик тадқиқот методикаларини жорий этишнинг назарий-методологик асослари жаҳон психологиясида илгари сурилган ғояларга таянади ва мазкур йўналиш муаммоларини омилкорона ҳал этишга таянч сифатида хизмат қилади.

3. Психодиагностика амалиётида методикаларнинг улуши кўп, аммо уларнинг ўрнини белгилаш баҳолаш воситаларини тиббий психодиагностикадаги мақсадларида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва методикалар тизимини шакллантириш туфайли эришилади.

4. Тиббий психодиагностикада методикаларни татбиқ этиш ҳам психологик, ҳам тиббий тадқиқотлар ўртасида илмий алоқаларни шакллантириш ёрламида етарлича таъминланади.

Адабиётлар:

1. Аванесов В.С. Из истории психологических тестов / В.С. Аванесов // Общая психодиагностика / Под ред. А.А. Бодалева, В.В. Столина. — СПб.: Речь, 2004. — С. 36-51.
2. Анастаси А. Психологическое тестирование / А. Анастаси, С. Урбина. - 7-е международн. изд. СПб.: Питер, 2001. - 686 с.
3. Балин В.Д. Психическое отражение: Элементы теоретической психологии / В.Д. Балин. СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2001. - 376 с.
4. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане: Автореф. дисс. ... докт. психол. наук. — Ташкент, 1998. — 37 с.
5. Блейхер В.М. Клиническая патопсихология: Руководство для врачей и клинических психологов / В.М. Блейхер, И.В. Крук, С.Н. Боков 2-е изд., испр. и доп. - М.: Моск. психол.-соц. ин-т; Воронеж: МОДЭК, 2006. - 624 с.
6. Бурлачук Л.Ф.; Исследование личности в клинической психологии» (на основе метода Роршаха) / Л.Ф. Бурлачук. Киев: Вища школа, 1979 — 176 с.
7. Вассерман Л.И.- Методы нейропсихологической диагностики: практическое руководство / Л.И. Вассерман, С.А. Дорофеева, Я.А. Меерсон. СПб.: Стройлеспечать, 1997. — 303 с.
8. Веккер Л.М. Психика и реальность: Единая теория психических процессов / Л.М. Веккер. — М.: Смысл, 2000. — 685 с.
9. Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и ее формирование в системе непрерывного образования: Авторефер. ... дисс. докт. психол. наук. — С-Петербург, 1992. — 34 с.
10. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. — Тошкент: "Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти" нашриёти, 2010.- 542 б.
11. Давлетшин М.Г. Танланган илмий ишлар тўплами. — Тошкент, 2008.- 82 б.
12. Жабборов А.М. Ўзбек мактаби ўқитувчининг этник хусусиятлари // Психолог. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане: Автореф. дисс. ... докт. психол. наук. — Ташкент, 1998. — 37 с.
13. Зейгарник Б.В. Патопсихология: основы клинической диагностики и практики: учебное пособие / Б.В. Зейгарник. 2-е изд., перераб и доп. - М.: ЭКСМО, 2008. - 363 с.
14. Каримова В.М., Суннатов Р.И., Тожибаева Р.Н. Мустақил фикрлаш. — Тошкент: Шарқ, 2000. — 111 б.